

Ота-онага яхшилик қилиш



09:40 / 08.05.2025 1936

«Биз инсонни ота-онасига яхшилик қилишга буюрдик. Онаси уни (қорнида) қийналиб кўтариб юрган ва уни қийналиб туққандир. Унга ҳомиладорлик ва уни (сутдан) ажратиш (муддати) ўттиз ойдир. Бас, қачонки у вояга етиб, қирқ ёшга тўлганида: “Эй Раббим! Менга ва ота-онамга инъом этган неъматингга шукр қилишга ва Ўзинг рози бўладиган солиҳ амални қилишга мени муваффақ этгин ва мен учун зурриётимни ислоҳ эт! Албатта, мен Сенга (гуноҳларимдан) тавба қилдим ва албатта, мен мусулмонлардандирман”, дейди. Айнан ўшалар шундай зотлардирки, Биз улардан қилган гўзал амалларини қабул қилурмиз ва жаннат эгалари қаторида уларнинг ёмонликларидан ўтиб юборурмиз. (Бу) уларга ваъда қилинган ҳаққоний ваъдадир» (Аҳқоф сураси, 15-16-оятлар).

Имом Воқидий раҳимаҳуллоҳ Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилади: «Оят Абу Бакр розияллоҳу анҳу ҳақида нозил бўлган. Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу 18 ёшида 20 яшар Набий алайҳиссалом билан Шомга сафар қилди. Йўлда улар Сидр дарахти ёнида тўхташди. Набий алайҳиссалом дарахтнинг соясида ўтирдилар. Шу вақт Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу ўша ерлик роҳибнинг олдида бориб, ундан дин ҳақида сўради.

Роҳиб: «Сидрнинг соясида ўтирган ким?» деди.

Абу Бакр: “У Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Абдулмутталиб», деди.

Роҳиб: «Аллоҳга қасам, бу киши Набийдир. Ушбу дарахт тагида Исо ибн Марям алайҳиссаломдан кейин ҳали ҳеч бир киши сояланмаган», деди.

Шу онда Абу Бакрнинг қалбига ишонч ва тасдиқ кирди. Ундан кейин сафарда ҳам, муқимликда ҳам Набий алайҳиссаломдан ажрамади. Пайғамбаримиз алайҳиссаломга нубувват келганда биринчилардан бўлиб тасдиқлади. Абу Бакрнинг ёши 40 га етганда: **«Эй Раббим! Менга ва ота-онамга инъом этган неъматингга шукр қилишга муваффақ этгин»**, деб дуо қилди.

Суддий ва Заҳҳок раҳимаҳумаллоҳ айтади:

«Бу оятлар Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳу ҳақида нозил бўлган.

Имом Муслим Саъд розияллоҳу анҳудан ривоят қилади: «Саъднинг онаси (ҳали иймон келтирмаган эди): «Аллоҳ таоло ота-онага итоат этишга буюрмаганми? Диндан қайтмагунингча ҳеч нарса емайман», дея еб-ичишдан воз кечди. Ҳолат шу даражага етдики, аёлнинг оғзини таёқ билан очиб, таом юттиришди. Шунда: **«Биз инсонни ота-онасига яхшилик қилишга буюрдик»** мазмунли ояти нозил бўлди».

«Биз инсонни ота-онасига яхшилик қилишга буюрдик». Яъни, ҳаётликларида ҳам, вафотларидан кейин ҳам уларга яхшилик қилиш, марҳамат кўрсатиш, ҳожатларини раво кўриш, улар билан кўришганда табассум қилишга буюрдик.

Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:

«Раббингиз, Унинг Ўзигагина ибодат қилишингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишни амр этди. «(Эй инсон) Агар уларнинг бири ёки ҳар иккиси ҳузурингизда кексалик ёшига етсалар, уларга «уф!..» дема ва уларни жеркима! Уларга (доимо) ёқимли сўз айт!» (Исро сураси, 23-оят).

«(Биз инсонга буюрдикки) «Сен Менга ва ота-онангга шукр қилгин! Қайтишлик Менинг ҳузуримгадир» (Луқмон сураси, 14-оят).

Имом Абу Довуд раҳимаҳуллоҳ ривоят қилади:

«Абу Усайд Молик ибн Робиа розияллоҳу анҳу айтади: «Пайғамбаримиз алайҳиссалом билан бирга ўтирганимизда Бану саламалик бир киши келиб:

«Ё Расулуллоҳ, ота-онам вафотидан кейин уларга қилишим мумкин бўлган бирор яхшилик қолдими?» деб сўради. Набий алайҳиссалом: **«Ҳа, ҳақларига дуо қилиш, гуноҳлари учун мағфират сўраш, васиятларини бажариш, улар сабаб юзага келган қариндошлик алоқаларини боғлаш, дўстларини икром этиш», деб марҳамат қилдилар».**

«Онаси уни (қорнида) қийналиб кўтариб юрган ва уни қийналиб туққандир».

Она ҳомилани машаққат билан кўтаради, фарзандини қийинчилик билан дунёга келтиради, эмизади, ҳолсизлик, чарчоқ ва сабр билан тарбиялайди. Гарчи ота касб ва нафақа ишлари билан машаққат чекса-да, онанинг фарзанди билан кечадиган ҳолларининг ҳеч бирида иштирок этмайди.

«Унга ҳомиладорлик ва уни (сутдан) ажратиш (муддати) ўттиз ойдир».

Оятда ҳомиланинг энг кам муддати олти ой эканига ишора бор. Ушбу муддатни Али розияллоҳу анҳу Луқмон сурасида келган оят билан исбот этгандир: **«Уни (кўкракдан) ажратиш (муддати) икки йилда (битар)»** (Луқмон сураси, 14-оят).

«Оналар болаларини тўла икки йил эмизадилар. (Бу муддат) эмизишни камолига етказишни истовчилар учундир» (Бақара сураси, 233-оят).

Эмизиш ва сутдан чиқаришнинг энг кўп вақти икки йилдир. Мана шунда уч йилнинг олти ойи ҳомила учун қолади.

Усмон розияллоҳу анҳу ва бир гуруҳ саҳобалар шунга иттифоқ қилишган.

Маъмар ибн Абдуллоҳ Жуханий айтади:

«Орамиздан бир киши жуҳайналик қиз билан турмуш қурди. Турмушнинг олтинчи ойи ниҳоясида аёлнинг кўзи ёриди. Эри Усмон розияллоҳу анҳунинг ҳузурига борди ва бу ҳақда айтди. Халифа аёлни олиб келишни буюрди. Аёл кийинаётганда, синглиси йиғлаб юборди. Аёл: «Нима учун йиғлаяпсан? Аллоҳга қасам, эримдан бошқа ҳеч ким менга теккан эмас. Аллоҳ таолонинг истагани бўлади», деди. Аёлни халифанинг ҳузурига келтиришганида Усмон розияллоҳу анҳу унга ҳад уришни буюрди. Воқеадан Али розияллоҳу анҳу хабар топиб, тезда етиб келди. У

халифадан: «Нималар қияпсиз?» деб сўради. Усмон розияллоҳу анҳу: «Олтинчи ойнинг ниҳоясига келиб кўзи ёрибди. Шунақа бўлиши мумкинми?» деб сўради. Али розияллоҳу анҳу: «Сиз Қуръонни ўқимайсизми?» деди. Халифа: «Ўқийман», деди. Шунда ҳазрат Али: **«Унга ҳомиладорлик ва уни (сутдан) ажратиш (муддати) ўттиз ойдир»; «Тўла икки йил эмизадилар».** Шу муддатдан фақат олти ой қолмоқда», деди. Ҳазрат Усмон розияллоҳу анҳу: «Аллоҳга қасам, мен бундай деб ўйламаган эдим. Аёлни келтиринглар», деб ҳадни бекор қилди.

Маъмар айтади: «Аллоҳга қасам, бола отасига ўхшаганчалик қузғун қузғунга ва тухум тухумга ўхшамаган. Отаси боласини кўрибоқ: «Аллоҳга қасам, бу менинг ўғлимдир. Бунга шубҳа йўқ», деб қичқириб юборди».

Ибн Абу Ҳотим Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилади:

«Айтади: «Аёл тўққиз ойда фарзандини дунёга келтирса, йигирма бир ой; етти ойда кўзи ёриса, йигирма уч ой; олти ойда кўзи ёриса, икки йил тўлиқ эмизади.

Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:

«Унга ҳомиладорлик ва уни (сутдан) ажратиш (муддати) ўттиз ойдир».

«Бас, қачонки у вояга етиб, қирқ ёшга тўлганида».

Яъни, вояга етиб, кучга тўлиб ўсмирликдан эркакликка етади. Ақли, қуввати, фаҳми, ҳилми ошади. Қирқ ёшга тўлиб моддий ва ақлий қуввати камолга етади.

«Эй Раббим! Менга ва ота-онамга инъом этган неъматингга шукр қилишга муваффақ этгин».

Яъни, қирқ ёшга тўлганда бундай дейди: «Раббим, менга берган неъматингга шукр этишимга илҳомлантир ва уни менга муваффақ айла».

Ота-она фарзандини ҳақ йўл ва тавҳидга йўллагани ва бундан бошқа дунёвий неъматлар инъом этганлари ҳамда ёшлигида меҳр бериб парваришлагани учун уларга яхшилик қилиши вожиб бўлади.

«Ва Ўзинг рози бўладиган солиҳ амални қилишга мени муваффақ этгин ва мен учун зурриётимни ислоҳ эт!».

Яъни: «Шукр қилишим учун мени илҳомлантир ҳамда Ўзинг рози бўладиган солиҳ амални бажаришимга муваффақ айла. Ўзинг рози бўлган – қабул бўлишига тўсиқ бўлувчи ёмонликдан холи амалга йўлла. Солиҳликни зурриётимда давомли, мустаҳкам қилгин. Токи солиҳлик уларнинг табиати, хулқи бўлиб қолсин.

«Албатта, мен Сенга (гуноҳларимдан) тавба қилдим ва албатта, мен мусулмонлардандирман», дейди».

Яъни, мен тавба қилдим ва барча гуноҳларимдан Сенга қайтдим. Сенга ўзимни топширганларданман. Тоатингга бўйсунувчи, тавҳидингга содиқлардан ва Рубубиятингга бўйсунувчиларданман.

«Айнан ўшалар шундай зотлардирки, Биз улардан қилган гўзал амалларини қабул қилурмиз».

Аллоҳ таоло уларнинг яхши амалларини қабул қилади. Хатолари ва гуноҳларини кечириб, афв этади. Яхшиликлари туфайли гуноҳларини йўқ қилиб юборади: **«Албатта, савобли ишлар гуноҳларни кетказади»** (Худ сураси, 114-оят).

«Жаннат эгалари қаторида уларнинг ёмонликларидан ўтиб юборурмиз». Ким Аллоҳга тавба қилса ва гуноҳдан қайтса, шак-шубҳасиз Аллоҳ таоло уларнинг гуноҳларини кечиради. Аллоҳ ваъдасига хилоф қилмайди.

«Ваъда қилинган ҳаққоний ваъдадир».

Аллоҳ таоло иймон аҳлига яхшиликларини қабул қилиши ва гуноҳларини кечириб юбориши ҳақ ваъдадир.

«Тафсири Мунир» асари асосида

Жалолиддин домла Ҳамроқулов тайёрлади.

«Ҳидоят» журнали 7-сон.